

«Навоийазот» очик турдаги хиссадорлик жамияти Навоий шаҳрида яшовчи ўн мингга яқин кишини иш билан таъминлаб турган йирик корхона. Унда аммиак кислотаси, формалин, теомочевина, аргон каби бир неча хил минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Корхонада махсулот турини янада кўпайтириш ва янги иш ўринлари очига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, халқ истеъмол моллари корхонаси қайта таъмирланиб, полипропилен халта ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хориз технологияси асосида махсулот чиқара бошлаган корхонада йилига 15 миллион дон полипропилен халта тайёрланади. Айти пайтда юзга яқин киши иш билан таъминланди.

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 25 март, жума № 50 (1891)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22-24 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз ишини давом эттирди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, Саноят, туризм ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Т.Каримов, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Зиё, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М.Тешабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов, Ахборот ва ком-

муникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов қўмиталар қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек ўтказадиган тадбирларининг 2005 йилга мўлжалланган режаси лойиҳалари тўғрисида ахборот берди.

Мухокамалар чоғида депутатларнинг саволлари ва фикр-мулоҳазаларига жавоблар берилди. Барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган фикрлар алмашувида кейин маърузачиларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинди. Қўмиталар раислари ва сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари қўмиталарнинг режаларини маромига етказиш ва тасдиқлаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолияти асосий йўналишларининг умумлаштирилган лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Нурота туманининг «Фозгон» кўрғонига замонавий болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Қизилтепа тумани «Темур Малик» хиссадорлик жамияти курувчилари бунёд этган мажмуада спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд.

### АЖОЙИБ СПОРТ МАЖМУИ

Мажмуанинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва соғлом авлодни вояга етказиш борасида кўрсатаётган улкан ғам-хўрлиги учун Юрбошимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Сурхондарё вилоятида пахта хомашёсини сифатли қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда уруғлик чигит тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Башарти фикримизни «Жаркўрғон пахта» очик турдаги хиссадорлик жамияти фаолияти мисолида бошлайдиган бўлсак, бу ерда ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган ақидага амал қилиб келинмоқда. Чунки корхонада иш бир маромда борапти. Меҳнат жамоасининг бир мақсад сари интилиши тўғрисида 2004 йилда ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар 2005 йилда мустақамланмоқда.

Мақзур пахта тозалаш заводида 623 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатмоқда. Улар ишини рағбатлантириш, орзумидини рўёбга чиқаришда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўзаро келишилган ҳолда жамоа шартномасини тузган.

Ишчилар ҳаммаси аҳил ва инोक. Улар ўртасида ташкил қилинган мусобақалар, спорт ўйинлари касабакўмининг ахшигина тажрибасидан далолат беради.

Маълумотларга кўра ўтган 2004 йилда заводда меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилган. Одат тусига айланган ва тантанали равишда ўтказиладиган ҳар бир байрамларда, улуг саналарда ишчиларга ўзига хос тарзда байрам дастурхонлари ёзилиб, соғва-салом улашилади.

Завод директори Бозор Жумаев таъкидлашча маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси биргаликда ишчиларни моддий рағбатлантириш, уларни сихаттоҳларга жўнатишда ҳам талайгина ишлар

### Ижтимоий ҳимоя

рининг ҳам хизмати жуда катта.

2004 йилнинг декабр ойдан бошлаб Вазиран Маҳкамасининг қарорига асосан мақзур пахта заводи уруғлик чигитларни дориллашга ихтисослаштирилди. Заводдаги мутахассислар таъкидлашча, 1000 тоннага яқин «Оқкўрғон-2» навли сара уруғлик корхонада тайёрланиб, Наманган ва Андижон вилоятларига

ни аввало ишчи-ходимларимиз манфаатига қаратилган, - дея сўз-батимизга яқун ясади завод директори Бозор Жумаев.

Шу билан биргаликда вилоятнинг Ангор, Қумкўрғон, Музработ туманларида жойлашган пахта тозалаш заводларидаги аҳвол билан ҳам яқиндан танишдик. Бу масканларда ҳам уруғлик чигит тайёрлаш, ишчи-ходимларга шарт-шароитлар яратиш, ҳамда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар бажарилганлигига амин бўлдик. Айниқса, Музработ туманидаги пахта тозалаш заводида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар бажарилган. Ўтган 2004 йилда бу ерда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар 2 мартаба корхона ҳисобидан бепул тиббий қўриқдан ўтказилган. Бундан ташқари 62 нафар ишчилар фарзанди «Бешбулоқ» болалар оромгоҳида дам олдирилган.

Бепул ошона, ювиниш хоналари, дам олиш хонаси, тиббиёт бўлими ишчилар учун муҳайё. Ўтган «Меҳр-муруват йили»да заводдаги кам таъминланган кишилардан 48 нафарига бир миллион сўм маблағ моддий ёрдам сифатида берилган.

Бу ерда Сихат-саломатлик йилида асосий диққат-эътибор ишчилар саломатлигига қаратилган. Шу боис ходимларнинг энг нуфузли сихаттоҳларда дам олдириш, моддий рағбатлантиришнинг янада ошириш чоралари қидирилмоқда.

Р.АХМЕДОВ

### Янги линия ўрнатилмоқда

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти қошидаги «Алест Гласс» корхонаси шиша идишлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда икки юз нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона ўтган йил 200 миллион сўм фойда кўрди.

Ҳозирги кунда корхонада Германиянинг 5 миллион 481 минг евродан ортик инвестицияси асосида замонавий технологиялар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Айти пайтда бу ерда ишлаётган бешта линияда 120 миллион донна шиша махсулотлари тайёрланса, ўрнатилаётган янги иккита линияда 240 миллион донна шиша идишлари ишлаб чиқариш имкони бўлади.

Суратларда: пайвандчи Владимир Козлов; ишчи Фаррух Умаралиев.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар



Навоий шаҳар ҳокимлигининг меҳнат, аҳоли иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркаси самарали яқунланди.

### ИЗЛАГАН ТОПАДИ

«Навоий почтаси» хиссадорлик жамиятига операторлик йўлланма олдим, - дейди Насиба Бақоева. - Ярмаркага келганимдан хурсандим.

Навоийлик Мухаббат Ҳамроева, Нарғиза Аслонова ҳам ўз мутахассисликлари бўйича марказий поликлиника ва вилоят юқумли касалликлар шифонасига ишга жойлашди.

(ЎЗА)

### ОБУЛДА ЯРМАРКА

Беруний тумани меҳнат бўлими Беруний, «Бийбозор» ва «Олтинсой» овулларида навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда талабгорларга корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари 205 бўш иш ўрни тақлиф этди. Шу кунги мутахассислиги ва малакасига қараб 145 нафар киши иш билан таъминланди.

Республикамиз ҳукумати ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга беҳиёс аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, илм олиш, касб-хўнарни ўрганиш устувор вазифага айланган. Тизимни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида қурилиб ишга туширилган кўпдан-кўп коллежлар, академик лицейлар ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин кўринишидир.

Бирок ҳаёт кўрсатмоқдаки, таълим-тарбия ишларини ташкил этишда баъзи нуқсонлар мавжуд. Масалан, Сирдарё вилоят ўрта махсус ва касб хўнари таълими бошқармаси тизимидagi муассасаларда кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйишда бирёқламалик, масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Бир мисол. Фуқаро А. Болтабоев Сайхунобод туман халқ таълими бўлими услубчи-си вазифасида ишлаган кезларда назоратнинг сустлигидан фойдаланиб қўнунбузарликка қўл урди. У тумандаги 28-мактабда умуман ўқимаган Г. Хасанова ҳамда И. Халимова-ларга ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатномани эгри йўл билан тўрилла берган. Қинғир ишнинг қийини чикди. Туман про-

ўтган йил Кўрғонтепада санат, қишлоқ хўжалиги, савдо, маиший хизмат, капитал қурилиш соҳаларида ўсишга эришилди. Аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш яқинланди. Жумладан ўтган йили 11 километр газ, 9 километр тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасаларига катта эътибор кўрсатилиб, қишлоқ врачлик пунктлари сони 19 тага етказилди. Аҳолини ижтимоий фойдаланишга жалб этиш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилиб, 2391 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда спортни ривожлантиришга соғломлаштиришнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу ерда 2003 йилда спорт иншоотлари сони 368 тага ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб улар сони 11 тага кўпайди. Айниқса, хотин-қизлар спорт ривожланаётгани, улар ўртасида мусобақалар, спартакиадалар ўтказиш анъана тусига қираётган

ни қувонарли бўлмоқда. Яқинда «Сихат-саломатлик йили» муносабати билан аёллар спартакиадаси ўтказилди. Унда ҳаммаси бўлиб 640 нафар хотин-қизлар иштирок этди. Спартакиадада қурилиш касб-хўнари коллежи қизлари голибликни қўлга киритиб, вилоят босқичида қатна-

### ИШЛОВЧИЛАР МАНФААТДОРЛИГИ ОШМОҚДА

иш ҳуқуқини қўлга киритишди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ташкилотчилик, ташаббускорлик роли сезиларли бўлаётир. Жумладан ўтган йили агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси томонидан 357 нафар кам таъминланган, 248 нафар кўп болали ва 174 нафар боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрса-

тилди. Кам таъминланган оилалардан 5 нафарининг уйлари таъмирлаб берилди, 4 нафар оиланинг фарзандларига никоҳ ва хатна тўйлари ўтказишга амалий ёрдам кўрсатилди. 505 нафар кишининг дам олиши, саҳаёт қилиши ташкил этилди. Тармоққа қарашли «Пахта-

лари билан тақдирландилар. Ишловчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашда Кўрғонтепа дон махсулотлари акциядорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар айтиқса ибратли бўлмоқда. Корхона ўтган йили 72 миллион сўм соф фойда билан яқунлашган бўлса, шундан 70 фоизи дивидендга йўналтирилди. Корхонада 567 нафар ишловчининг ишлаши, дам олиши, соғлиқларини тиклаши учун барча шароитлар яратилмоқда. Ҳозир ҳар бир ишловчининг ўртача иш ҳақи 43 минг сўмни ташкил этаётир. Жамоа маҳаллалардаги кам даромадли оилаларни, яқна-ёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, мактаблар, муруват уйи, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини яқшилашга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ялғош САРИБЕВ, Соҳиба АЪЗАМОВА «Ишонч» мухбирлари

масаласига бу қадар бепишандиликни қандай изохлаш мумкин. Натижада бу сермашақат иш баъзан нуноносиб кадрларга топшириб қўйиланти. Бунга мисоллар кетайди.

Оқолтин саноат касб-хўнари коллежидан ишлаётган Ш. Алиев, Н. Маматжонов, З. Ма-

Бу аллозда илм даргоҳини тамомлаган ёшлар қандай муносабат билан ётишадиган? Агротехносидиёт коллежидан бошлангич синф мутахассислигига эга бўлган Г. Эшонқулова махсус курсдан, ўзи Янгийўл шаҳридаги коллежларнинг биринчи 4-курс сиртки бўлимида таҳсил олаётган И.

бир қаллоблиқлар ҳам юзга қалқиб чиқди. Яъни, сўнги йиллар ичида бошқарма муносабатлари бюджетда назарда тутилмаган сарф-харажатларни амалга оширишган. Чунки ошма смети хужжатларида кўрсатилмаган бўлса-да «Нарғиза» хусусий корхонасидан 202.000 сўмлик уяли алоқа

### «Ишонч» фой этиди

аяшмайди. Гулистон шаҳридаги компьютер ва ахборот технологиялари коллежида ҳам контракт тўловлари асосида таълим олаётган ёшлар оз эмас. Лекин одамлар пешона тери тўкиб тўлаётган ана шу пулларни аниқ мақсад қилиб ҳаманга уришга ружۇ қўйганларни ким дейиш мумкин? Коллеж бошқармаси М. Собиров ҳамда ҳазиначи Тўшбуловлар контракт пулларининг 3 миллион 354 минг сўмини ҳазинага кирим қилмасдан гурм қилишган. Ховос туманидаги Меҳнатобод қишлоқ хўжалик касб-хўнари коллежи мансабдор шахслари қилишсини эшитган киши ёқа ушламай иложи йўқ. 2004 йил давомида шововлар ҳазина ҳисоботларида қўшиб ёзиш йўли билан 28 та ҳолатда иш ҳақи учун ажратилган маблағларнинг 4535667 сўмини талон-таъриж қилишган. Деҳқонобод касб-хўнари коллежиде эса 8 минг сўмлик ойна, 116057 сўмлик турли техникага оид жиҳозлар «сув» қилинган. 3-Боёвут қишлоқ хўжалик

воситаси сотиб олинган. Телесондаги сўзлашувлар учун эса «Уздунробита» қўшма корхонасига 852.924 сўм, ёни-лиги мойлаш материаллари учун 118.700 сўм, автомобил эҳтиёт қисмлари учун 1.033.700 сўм миқдоридеги давлат маблағлари ноқонуний сарфлаб юборилган.

Фарзандларимиз биздан кўра бахтли, билимли бўлсин, дея орзу қиламиз. Бу ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Шу боис ўғил-қизларининг баркамол бўлиб вояга етиши, тарбияси ва ўқини учун ҳеч нарсани

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЮЗАКИ МУНОСАБАТ

куртураси А. Болтабоев устидан жинорий иш кўзгади. Бахти бор экан, амнистия тўғрисидаги Фармон жонига оро кириб, жазодан озод қилинди. Ва ҳаммани хайратга солиб бир юмалаб Сайхунобод туманидаги саноат касб-хўнари коллежи директори вазифасини бажарувчи лавозимини эгаллади. Вилоят мутасаддилари бу масалага то прокуратура аралашгунга қадар уларнинг ҳеч нима билмаганди тўтиб келиши. Ута масъулияти, ноқиз иш - ёшларни тарбиялаш, уларга билим бериш

медова каби ўқитувчилар бор-йўғи қисқа мuddатли ўқув курсларини аранг тамомлашган. Ҳақли савол, хўш бундайлар талабаларга нима бера олади? Аҳволдан кўнчилик ҳабардор бўлса-да, коллеж раҳбарлари уларни етарлича дарс соатлари билан таъминлаб, илми толибларни алдаб келган. Буни қарангки, шу тумандаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежиде Х. Қиронова, Н. Ходжанова сингари ўқитувчилар на махсус, на педагогик маълумотга эга бўлмаган ҳолда ҳуқуқий фанлардан дарс бериб келишган.

Коллежлар фаолиятини ўрганиш жараёнида баъзи

Айбдорлар муносиб равишда ўз жазосини олади. Фақат бир савол одамни қийнади. Табарруқ даргоҳ - илм масканларида ана шундай камчилиқлар рўй бераётган бўлса-ю, нахотки ҳеч ким бу ҳақда прокуратура ходимлари аралашгунга қадар лом-лим демаса! Лоқайдиқ, сен менга тегма, менга сенга, қабилда иш юритиш энг қирин, хавфли иллат. Ҳар қандай кўринишдаги камчиликлар, қўнунбузилишларга жойида барҳам бериш лозим. Касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал.

Мурот ЭШНАЗАРОВ, Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

### Фаоллар ҳақида ҳикоялар

**Жиззах Олий ҳарбий Авиация билим юрти математика кафедраси бошлиғи Тохир Қулмуродовни ва-зифасидан бўшатишда иш беришни амалдаги меҳнат қонунчилигини четлаб ўтиб, қонун бузилишига йўл қўйди. Бу ҳақда билим юрти касаба уюшма ташкилотини раҳбари оғохлантирса-да у ўзини ҳақ деб туриб олди. Шунга қарамайдан, касаба уюшмаси эса қатъий сўзиде турди. Унинг арашави билан ҳақиқат қарор топди. Т.Қулмуродов вазифасига тикланиб, мажбурий бекор юрган вақти учун маъмурият унга 156 миң сўм пул тўлашга мажбур бўлди.**

## ЯХШИЛАРГА ЭШ БЎЛИБ

Билим юрти ходимлари Робия Каримова уч нафар, Муҳаббат Яхшиликқова беш нафар фарзандлари билан анча қийналиб қолишганди. Касаба уюшма қўмитаси уларга қўмакка келди. Маъмурият билан биргаликда ҳар икки оила аҳолидан бохабар бўлиб туришди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам берилди. Натижада ҳар икки оила ўзларини анча тиклаб, оёққа туриб олишди.

— Жамоамиздаги ҳар бир ходим ҳаётига чқурроқ кириб боришни олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди билим юрти касаба уюшма қўмитаси раиси Людмила Шокирова. — Ҳаётда ҳар бир киши у ёки бу даражадаги қўмакка эҳтиёж сезиши турган гап. Бунда етти нафар қўмита аъзоларимизга таянамиз. Улар би-

лига саилади.

Дастлаб 112 нафар касаба уюшма аъзолари бўлган бўлса, бугунга келиб улар сафи 150 нафарга етди. Мамулумки, Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти Марказий Осиёда шу соҳа бўйича ягона ўқув маскани саналади. Утган даврда 700 дан ортққ битирувчилар мамла-

миз. Ёшларнинг соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб ўсишлари йўлида 11 та спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда. Кафедра бошлиғи, майор Ҳамза Ғойибов бу секцияларда ҳафтасига ўн маротаба машғулотлар бўлиб ўтиши айтиди. Машғулотлар капитан Н.Азиев, майор Н.Қариев, кичик сержант Ш.Эшонқулов сингари тажрибали мурабийлар раҳбарлигида олиб борилади. Улар ўз билим ва маҳоратларини ёшлардан аямашади.

Волейбол, бокс, мини-футбол, гимнастика заллари зарур жиҳозлар ва барча қўлайликларга эга эканлиги шуғулланувчиларни қувонтирмоқда. Натижада умидли ёш спортчилар кўзга ташланиб қолди. Ташқир шундан бўйича А.Аҳмедов, кураш жижрлчи А.Жўраев, Д.Ўсаров, бешкураш бўйича Э.Матжонлар спорт усталигига номзод бўлишди.

Ўқув масканида 13 та кафедрани, 2 та компьютер синфхоналари, лингафон кабинети, 2 та кутубхона, ошхона, спорт заллари ишлаб турибди. Касабақўм раиси Л.Шокирова ҳамроҳлигида жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ишлари билан таниша-

### «ТАДБИРКОР АЁЛ» УЮШМАСИДА

Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳозирги кунда 500 нафардан зиёд тадбиркорларни бирлаштирган. Уюшма шаҳар тадбиркор аёллари ўртасида тахсинга лойиқ ишларни олиб бормоқда. Уюшма сая-ҳаракати билан ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ўқув марказлари очилмоқда. Булажак тадбиркор хотин-қизлар тахсил олиб, янги иш жойлари билан таъминланмоқда.

Тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам бир қатор ишлар олиб бориляпти. Кам таъминланган, ишсиз аёлларга иш ўринлари яратиб беришга ҳам уюшма ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳар ойда мунтазам равишда бизнес-клуб, бизнес-семинарлар ўтказилиб, ишдаги ютуқ ва камчиликлар, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида

маслахатлар бериб бориляпти.

Чет эл тадбиркор аёллар уюшмалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шаҳар тадбиркор аёллари Франция, Швейцария, Италия, Саудия Арабистони, Австрия давлатларида ўтказилган турли курсларда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича конференцияларда қатнашиб келмоқдалар.

— Яқинда 10 нафар тадбиркор аёл Австрияда бўлишди. 10 кунлик ташириқ давомида тадбиркорларимиз савдо-саноати палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бизнес-тадбиркор аёллар уюшмасидаги учрашуларда қатнашди. Бу тадбирлар уларда катта таассурот қолдирди, — дейди уюшма ра-

барии Насиба Миродилова. — Келгусида Германия, Америка, Япония каби мамлакатларнинг ишбилармон аёллари билан учрашувни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, уюшма тадбиркор аёлларнинг келгусидаги режалари катта. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув-семинарлари ташкил этиш, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, маҳаллаларда хайрия тадбирлари ўтказиб, кам таъминланган оилаларга яқиндан қўмак бериш шулар жумласидандир. Шу билан бирга яқин йилларда уюшма қошида «Кредит иттифоқи» микробанки ташкил этилиб, аъзоларга кредитлар бериб бориш режалаштирилмоқда.

**А.МАННОПОВ, «Ишонч» муҳбири**

### Ибрат

## КОРХОНА ҚОШИДА ДОРИХОНА

### ишчи-хизматчилар ундан бепул фойдаланадилар

Сурхондарё вилояти Машина трактор парки оқчи турдаги акционерлик жамияти бирлашмаси тасарруфидан 14 та МТП фаолият кўрсатмоқда. Ширкат ва фермер ҳўжаликлари бюртамасига қўра мажбур қишлоқ ҳўжалик техникаларини таъмирлаб, баҳорги дала юмушларига тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йилда Денов, Кумкўргон ва Жаркўргон туманлари илгорликни қўлдан бермай келаётир.

Деновдаги Машина трактор парки акционерлик жамияти тумандаги энг катта ва намунали ташкилотлардан бири ҳисобланади. Мазкур жамоада 302 нафар ишчи-хўдом меҳнат қилади. Маълумотларга қараганда, ўтган йили жамоа аъзолари томонидан баҳорнинг иш ҳажми 1 миллирдан 225 миллион сўмни ташкил қилган. Натижада ташкилот 101 миллион 755 миң сўм даромад олиб, 78 миллион 118 миң сўм соф фойдага эришди.

Ғани жамоянинг иқтисодий кўрсаткичларидан бошлаганимиз бекиз эмас. Зеро олинган даромадга яраша талайгина хайрли ишлар ҳам қўл урилди. Бунда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асқорди. Ишчи ҳодимларга қўлай шарт шартлар яратилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида талайгина ишлар қилинди.

Машина трактор паркида 3 та таъмирлаш цехи ишлаб турибди. Ҳар бир цехда 200 нафардан ишчи меҳнат қилади. Домийи ва маъсумии ишловчиларга 2 маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган бўлиб, маъсул кийим-кечак ҳамда соғлиқ учун зарарли бўлган юмушларга жалб этилганларга суг маъсулоти мунтазам етказиб бориш йўлга қўйилган. Сартрошхона, ювенил хоналари, спорт зали, дам олиш хонаси ва бепул ошхона ижтимоий ҳимоянинг кўринишлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

2004 йили жамоа ишчи ҳодимларига бепул иссиқ овқат ташкил қилиш ҳамда уларга моддий ёрдами қўрсатиш учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 16 миллион 122 миң сўм маблағ сарфланган. Кам даромадли оилаларга, ногиронларга ва ёлғизларга муруват ёрдам кўрсатиш ҳамда жойларда ҳомийлик қилиш касаба уюшма қўмитасининг асо-

### Ишон зотининг энг буюк бунёдкорлиги — бу йўл куришдир. Шу боис аждодаларимиз энг аввало қўлай йўллар барпо этиш пайида бўлишган. Бу аъяна юрт истиклолдан сўнг янада ривожланди.

Хусусан, кейинги ўн йилда Сирдарёда шаҳарлараро ҳамда ички йўлларни тартибга солиш борасида қўллаб ишлар амалга оширилди. Янги бозорлар, гузарлар қад ростлади. Бири-бирдан беҳимир иншоотлар барпо этилди. Айни чоғда катта ўзбек тракти қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Гулистон-Ғагарин йўналишидаги 3-тоифали йўлни кенгайтириш, жаҳон андозаларига мос равион йўл барпо этиш шитоби бир зум сусайгани йўқ. Бу масъулиятли вазифани зиммасига олган «Сирдарёвотйўл» бирлашмаси тасарруфидани корхоналару хашарчилар тонгни тунга улаб ишлаганмоқда. Биз зарбдор қурилишда иштирок этаётган Ховос автомобил йўлларини таъмирлаш ва фойдаланиш таъмирати ташкилотли фаолият қўраша ташлаб, улар захматини хис этишга интилдик. Вилоятдаги аксарият йўллар асфалтлари ана шу ташкилот заводиди тайёрланади. Катта ўзбек трактига сифатли асфалтни етказиб бериш ҳам ана шу ташкилот гарданида.

Асфалт учун тош, қум ва

шағал керак. Утган йили ана шу хомашда узилиш бўлди. Қиш ва қўқламда Сирдарёнинг тўлиб-тошиши қум қавлаб олинаётган хавзалардаги ишчи чипкача чиқариб қўйди. Бу ўз навбатида завод дастохларининг тин олишига, одамларнинг ишсиз қолишига олиб келди. Бу му-

агмага ечим топиш йўлсозлар олдида кўндаланг турарди.

— Завод тўхтаसा иш оқсайди, чорасини топиш керак, — деди ўшанда бирлашма бошлиғи Назуржон Шосаев. — Олисдан келадиган қум сарф-харажати хамён кўтармайди.

— Тўғри, аммо қараб ҳам туролмаймиз, — деди юқориди пудрат ташкилотли раҳбари Молдобой Уқубовей ўйчан. Янги карер изласакмикан?

— Яхши фикр, — дея уни қўллаб-қувватлади бошлиқ. — Қадим Сирдарёда сир кўп.

### Ишон, жамият ва давлат манфаатларининг мутаносиблигини мамлакатимиз тараккиятлигини муҳим шартларидандир. Қабул қилинаётган Қонун, Фармон ва қарорлар юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фуқароларга осойишта, фаровон турмуш шартини яратилиши қўлайли. Зеро, ички амалга оширилайтган ислохотлар шу максимди рўйбга чиқаришига хизмат қилмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари, имтиазлари Конституцияимизда ифодаланиб берилган. Ҳар биримиз амалдаги қонунларни яши биллаш ва уларни ҳурмат қилишга даъват этилганмиз. Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳуқуқий ҳимоядир. Мазкур йўналишда тизимда 40 нафардан зиёд малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритиб келмоқда. Ҳисобот даврида Республика касаба уюшмаларига 102.000 дан зиёд ёзма, оғзак ариза ва шикоятлар тушди. Уларнинг 53 фоизи тегишли бўлимлар томонидан қўриб чиқилди. Ҳамжиҳатликдаги сая-ҳаракат туфайли 70 фоиздан кўпи ижобий ҳал этилди.

Ҳаёт шунки кўрсатмоқдаки, баъзи иш бериувчилар амалдаги қонунларимизни яши билмасликлари ёки билсалар ҳам уларни четлаб ўтаётганлиги, «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилда иш юритишлари қийматга тушмоқда. Езма мурожаатларининг 1.870 таси иш бериувчилар томонидан меҳнат шартномаларини бекор қилишда қонунбузишларга йўл қўйилганлиги ҳам юқориди фикримизнинг далилидир. Тахлил шунки қўрсатадики, меҳнатқашларнинг энг нуфузли жамоат ташкилотига бўлган ишончи ортиб бор-

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Она ва бола» сичатгоҳи вилоятнинг сўлим масканларидан бири — Бешариқ туманидаги Адиробод боғдорчилик жамоа ҳўжалигига жойлашган. Ҳозирги замон меъморчилик услубида бунёд этилган мазкур иншоот кўркамлиги, дид билан жиҳозлангани билан диққатини тортади.

Бир вақтда 120 она ва боланинг дам олиб, муолажа олишлари учун барча қўлайликлар яратилган сичатгоҳда барча хизматлар бепул. 2200 метр чқурликдан отилиб чиқайтган турли дардларга даво бўлоқ сувидан, бу ер табиатининг танга шифо соф ҳавосидан даволанувчилар беҳад баҳраманд бўлмоқда. Бундан ташқари, шифо масканида оналар ва болаларнинг кўнглили дам олишлари, жисмонан чиникишлари учун ҳам етарли шарт яратилган. Сичатгоҳ, асосан, ошқозон-ичак, буйрак, ўт пуфаги, пешоб йўли, болаларда учраб турадиган турли юқумли касалликларни даволашга иختисослашган. Бу ерда сидқидилдан хизмат қилаётган малакали тиббиёт ходимлари томонидан она ва бола саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

**Суратларда: сичатгоҳ қамшираси О. Номозова; тарбиячи Х.Бегматова кичкинтойлар билан.**

**М. КОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**



### АКЦИЯДОРЛАР ИШОНЧНИ ҚОЗОНИБ

Мамлакатимизда ўтказилган иқтисодий ислохотлар халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини қамраб олмақда ва ўзининг самараларини бормоқда. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигига да бу борада амалга оширилган ишлар тахсинга лойиқдир. Ер ўз эгаларига, яъни фермерларга, пудратчи ва ижарачиларга беришганиги фикримизнинг яққол далилидир. Бизга хизмат қилаётган банк тизими ҳам тақомиллашди. Улар энди ишлаб чиқарувчиларни турли хил кредитлар ва хизматлар билан қўллаб-қувватламоқдалар.

**Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?**

Ширкатимиз меҳнатқашлари томонидан ўтган йилда 629 гектар майдонга чигит экилиб, 2248 тонна пахта етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик 36,5 центнерга етказилди. Пахтачилик бўйича қилинган харажат 478 миллион 907 миң фойда эса 125 миллион 907 миң сўмни ташкил этиди. 236 гектар майдондан эса 1227 тонна дон йиғиштирилди олинди. Ўртача ҳосилдорлик 52 центнерга етказилиб, соҳадан 14 миллион 764 миң сўм фойда олинди.

Эришилган бу муваффақиятларда «Пахта банк»нинг ҳиссаси катта бўлди. Масалан, бултур дон ҳосиллини етиштиришда банк томонидан 7 миллион 564 миң сўмлик транш маблағлари ажратилиб, унинг технологик карта асосида ўз вақтида сарфланшига амалий ёрдам кўрсатилди. Етиштирилган пахта ҳосили учун теримчиликга 54 миллион 14 миң, ёрдамчиларга 29 миллион 284 миң сўм нақд пул ўз вақтида бериб борилади.

Бундан ташқари, ҳўжалигимиз томонидан «Пахта Банк»нинг 4686 та акцияси сотиб олинди, ундан мўмай даромад қилмоқдамиз.

**Шўҳрат РУСТАМОВ, Вобект туманидаги Ал-Бухорий номидаги ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси**

### Истиқлол берган имкон

Арслар оша неча бор ўзанини ўзгарттирган. Бир уриниб кўрмайсизми?

Шундай қилиб, М. Уқубовей бир неча кунни Гулистон тумани худудини кезиб чиқшига бағишлади. Көксақлардан, оқсоқоллардан қадим тарихини суршиттирдик. Аммо ҳеч мурод ҳосил бўлайдемасди. Афтудан дарё мероси сирлилигича қолда-

## ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, НИЯТИ КЎТЎЛУҒ

гандек эди. Ҳориб-чарчаб ортага қайтар маҳал Ўзбекистон жамоа ҳўжалиги худудиди кенг пайдонда қўй боқиб юрган ўсмирларга кўзи тушди. Кўнгида улар билан сўхбат қуриш, таваруқ-атрофга бир қур назар ташлаш истаги уйғонди. Сўхбат чоғида ёш қўнлар шу атрофда қум қавлаб оладиган ўра борлигини айтиб қолишди. Шундай қилиб беҳисоб олтирнинг тоза қум карерига асос солинди.

— Утган йиллар 1 қўм.метр қумни келтириш сарф-харажати 6-7 миң сўмга тушарди, — дейди биз билан сўх-

батда М.Уқубов. — Эндиликда ўзимизнинг карердан келтирилайтган қумнинг бир қуби 1150 сўмни ташкил этапти. Хомаш ёқумлиги боис ўтган йили 49 миң тонна асфалт ишлаб чиқардик.

Бу йил жамоа ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга эришмоқчи. Аникроғи улар ўтган йилдагидан уч баробар, яъни 200 миң тонна

### Касаба уюшмаларига келган мурожаатлар тахлили

ларда энг нуфузли жамоат ташкилоти уларга қамрабаста бўляпти. Таъкидланганидек, адолатли юзага чиқариш осонмас. Бунинг учун баъзида ойлаб ҳаракат қилишга, курашишга тўғри келади. Утган беш йил давомида ҳуқуқшунослар фуқаролик судларига 400 дан ортққ даъво ари-

чалари энг нуфузли жамоат ташкилоти уларга қамрабаста бўляпти. Таъкидланганидек, адолатли юзага чиқариш осонмас. Бунинг учун баъзида ойлаб ҳаракат қилишга, курашишга тўғри келади. Утган беш йил давомида ҳуқуқшунослар фуқаролик судларига 400 дан ортққ даъво ари-

чалари энг нуфузли жамоат ташкилоти уларга қамрабаста бўляпти. Таъкидланганидек, адолатли юзага чиқариш осонмас. Бунинг учун баъзида ойлаб ҳаракат қилишга, курашишга тўғри келади. Утган беш йил давомида ҳуқуқшунослар фуқаролик судларига 400 дан ортққ даъво ари-

чалари энг нуфузли жамоат ташкилоти уларга қамрабаста бўляпти. Таъкидланганидек, адолатли юзага чиқариш осонмас. Бунинг учун баъзида ойлаб ҳаракат қилишга, курашишга тўғри келади. Утган беш йил давомида ҳуқуқшунослар фуқаролик судларига 400 дан ортққ даъво ари-

### ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛМАГАН ҚОҚИЛАДИ

ри, 2001 йил январиди қабул қилинган Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги Президент Фармони муҳим аҳамият касб этиди. Бу икки ҳўжжатлар суянган ҳолда касаба уюшмалари ҳуқуқшунослари диққатга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Жумладан, қорхона, ташкилот, муассасаларда ҳуқуқий маънада семинар-кеңашлар, давра сўхбатлари ва учрашулар ўтказиб аҳоли ҳуқуқий саводдонлигини оширишга хисса қўшмоқдалар. 5 миңдан ортққ меҳнат жамоасида Меҳнат Кодекси талабларининг бажарилиши назорат қилинди. Шундан анқиланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш бериувчиларга амалий ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатилади.

Мутахассис сифатидаги фикримиз шуки, қайд этилган нохуш ҳолатларнинг ана бир сабаби Меҳнат Кодекси амалга қилинганлига қарийб 10 йил бўлишига қарамай, ҳанузгача унга шарҳлар берилмаган. Бу ўз навбатида муҳим ҳўжжати қўллашда баъзи бир қийинчиликлар, тусунмоғчиликларни юзага келтириб

ди. Тармоқ миқёсида қаралганда Агрорасаноат мажмуи, Таълим ва фан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ёқилги-энергетика, геология ва қимм саноати ҳодимлари касаба уюшма Марказий Кенгашлари ҳали бу борада анчайин оқсаётганиликларни қуринади.

Ҳуқуқшуносларимиз ариза ва шикоятларни вақтида, қонуний ва адолатли ҳал этишда номаларда кўтарилган муаммоларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ахир ҳар бир хат ортида инсон тақдирининг манфаатлари етибди.

Баъзи бошланғич касаба уюшма ташкилотли етакчилари мурасосозлиги йўлини тутиб, иш бериувчиларнинг манфаатини ёқлашга бориб етишяпти. Натижада касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқки чеклиниб, аюқори идора ва ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Меҳнат шартномаларини бекор қилишда иш бериувчилар томонидан қўпол хатоларга йўл қўйилганлиги бори бор. Бунинг оқибатида қимлардир судма-суд, идорам-идора юриб сарсон бўлмоқда. Шундай кез-

заси қиритиб, аъзоларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминладилар. Кўпчилиги ўз ишларига қайта тикланди, уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Юқори малакали, қатъиятли ҳодимларимиз иш бериувчилар билан музокаралиб олиб бориб муаммони жойида муваффақиятли ҳал этишга эришдилар. Масалан, Узун туманидаги «Бобот» ўрмон ҳўжалигинидан М. Халиков, И. Юзбоев, вилоят телеком ҳисобчиси И. Норбоев, Андижон нефт маҳсулотлари корхонасидан М. Сайфуддининов, «Бухоронфтгазавтоматика» акционерлик жамиятидан Р. Ҳўжаев, «Навоий азот»-дан Т. Жўмаев, М. Сиддиқов ва бошқарлар мушуқли осон этилди.

Бозор имиллашнин кеңирайди. Янгица талаблар асосида қўнгидагидек фаолият юритиш учун излашни, билим ва тақрибани ошириш, илгор усул-усуллардан унумли фойдаланиш даркор. Бунинг аксини бўлган тақдирда ишончи оқлаш қилин. Тайин гапки, иш бериувчига ўз сўзини ўтказиш учун аввало ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиш талаб эти-

### ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛМАГАН ҚОҚИЛАДИ

лади. Бу йўналишда ҳам касаба уюшма ҳуқуқшунослари муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Иложи борица кўпроқ қўйи ташкилотларда бўлиб норматив ҳуқуқий ҳўжатларни ишлаб чиқишда ва уларни белгиланган тартибда қабул қилиш юзасидан тегишли маслаҳатлар бермоқдалар. Барча жамоа шартномалари ҳуқуқий экспертиза килинмоқда.

Сўнги йилларда тарғибот-ташвиот ишларига эътибор қўнади. Қурултойдан қурултойгача бўлган даврда 500 дан зиёд мавзуда семинар-кеңашлар, учрашулар, энг яхши ҳуқуқшуносларни жалб этган ҳолда давра сўхбатлари ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолидан тушаётган саволларга мунтазам равишда жавоб бериб келинмоқда. Қувончлиси шуки, Олий Мақолат томонидан қабул қилинган 10 дан зиёд иқтисодий-ҳуқуқий ҳимояга оид янги қонунлар, Вазирлар Мақолати томонидан қабул қилинган 50 дан зиёд ҳўкумат қарорлари юзасидан ўз муносабатларини билдириш тегишли тақлиф ва мулохазаларни йўлладилар. Берилган қўшимча ва ўзгартишларнинг 80 фоизи инобатга олинди.

Ҳуқуқшуносларимиз прокуратура, суд органлари ҳамда Олий Мақолат ҳўжжатидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва унинг вилоятлардаги вакиллари билан ҳам узвий ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Омбудсманга мурожаат этган 100 дан зиёд меҳнат муносабатларига тегишли низоли ишлар бўйича эксперт ҳўқуқшунослари билан бир ҳалка ўта муомил йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ечимини қўлгабган муаммолар кўп.

**Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА, ЎзқўФК ҳуқуқшуноси**

### А. РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири



# СПАРТАКИАДА

## Оммавийликка хизмат қилади

Севимли байрамимиз Наврўз арафасида Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида пойтахт олий ўқув юртлири ўқитувчи-ҳодимлари ўртасида аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди. Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган мусобақалар таълим ва фан ҳодимлари Тошкент шаҳар ҳамда Миллий университет касба уюшма кўмитаси томонидан ташкиллаштирилган.

Инсон саломатлигини тиклашда спортнинг ўрни ўзгача. Байрам кайфиятида ўтказилган мусобақалар, шубҳасиз, оммавийликка хизмат қилади, - дейди ЎЗМУ талабалар касабаси



### Касаба уюшма тадбири

уюшма кўмитаси раиси Шерзод Журбаев. - Сихат-саломатлик йили Давлат дастурида ҳам оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирлари белгилаб қўйилган.

Спортнинг энгил атлетика, волейбол, стол теннис, сузиш, стритбол каби турлари бўйича 8 та олий ўқув юртидан 160 дан зиёд аёллар голиблик учун мусобақалашдилар. Беллашуларда мезбонлар билан бирга Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тўқимачилик ва энгил саноат институти, ТДЮИ, ТДУЖ жамоалари тўлик таркиб билан иштирок этди.

Кизиқарли ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида ЎЗМУ жамоаси биринчи, Тошкент Шарқшунослик институти иккинчи, Тўқимачилик ва энгил саноат институти жамоаси кейинги ўринларни эгаллади. Фойлиб диплом ҳамда эсдалик совғалари, билан тақдирландилар.

А. МАМАХОНОВ

### Ўзбекистон - Ватаним маним

**Нур водийсининг Анбарона дарасидан фарба - Қўчатсойгача бўлган ўн беш чакиримча масофага чўзилган баланд, тик тепаси кирралик Оқтоғнинг қалқондек ястаниб ётган томонида Бахилтоғ деб аталувчи тоғ бор. Унинг Анбарона ва Зангиота сойлари оралигида Курткасой, Питирсой деган сойлар оқади.**

1974 йил ноябр ойининг охирида эди. Курткасой қирларининг бирида эрта тонгда гумбирлаган овоз билан бир вақтда бурқиб оқ тутун чиқиб, шу қир атрофида қўларини боқиб юрган Ширинкул ака Соҳибовни гангиб қўйди. Бутун тепаликни олпоқ бурут қоплаган ва бу бурут ҳар икки сойга ёйлаётган эди. У қўларини тўплаб паства, тоғ этагига ҳайдаб юбориб, кўпинча ўзи чой ичадиган, баъзан озорқ чўзилиб ҳордиқ оладиган ясоқ тош тагидан чиқаётган тутунни қўриш учун ўнг тепалик томон кўтарила бошлади. Бугдан палағда туҳум хиди келиб тургани учунми танглайда аччиқ таъм севди. У ёнидаги сув халтасидан аганаб ётар, унинг ўрнида пайдо бўлган чуқурдан тутун буруқиб чиқарди. Ясоқ тошнинг эни бир, узунлиги икки ярим-уч метрлар бўлиб, унинг тупроқ устига чиқиб турган қисми бироз исб қолган эди. Ясоқ тошнинг остки томони ўртача қозончани тўнкариб қўйгандай бўлиб, ичи эса хўл бўлиб, ундан сувга айланган буг томчилари томчиллаб турарди. Бу тўнкарилган қозон шаклидаги чуқурча девор-

замонларда ҳам бўлган экан. Нурбулоқ ва чашмадан осмону фалакка нур чиқиб турар экан. У пайтларда хали одамзот ер юзидан пайдо бўлмаган, тоғлар, шу жумладан Оқтоғ ҳам қўкка буй чўзиб турар экан. Улар ака-укадек қаторлашиб бошларини Нурбулоққа қўйиб, оёқларини шарқ томон узатиб ётар

# БАХИЛТОҒ ХАЗИНАСИ

тагига етолмай қолди. Чунки Бахилтоғ жанубидидаги Лаңгар қонидаги қарьерларда бўладиган портлашлари у ерда ишлаган пайтлари қўрган, қарьерлар портлаганда чанг кўтарилиб, кейин тошлар отилиб, бутун атроф 350-400 метрлар айланасига учиб келган майданлар тошлар оғушида қоларди. Қолаверса, унинг шамоли хатто ёпик турган дераза ойналарини, дарахт шоҳларини синдираганини қўрган. Йўқ, бу портлаш эмас. Балки вулқон отилганини телевизорда бир-икки марта қўрган. Вулқон отилса, олов бўлиб эриб кетган тошлар отилиб чиқарди ва ер қарийдан суюқ қўроғидай эритмалар оқиб чиқарди, шекилли. Бу тутун ҳам эмас, буг-ку!

Бирон бир хулосага келиш учун ўзининг илмиям, салоҳиятиям етишмаслигини англаган Ширинкул ака боғалигида болалардан эшитган "Бахилтоғ афсонаси"ни ёдига олди.

Нурота чашмаси ва унинг Нурбулоғи жуда-жуда қадим эканлар. Бу тоғларнинг энг баланди ва бақуввати, ўртада серқадек шу тоғлар тизимининг сардори бўлиши Така тоғ экан. Улар хар кун эрталаб сарҳарданок юз-қўларини Нурбулоқда ювиб, унинг нурларидан баҳра олишарди. Така тоғ баландлигида фойдаланиб ҳаммадан олдин юз-қўларини Нурбулоқда ювар ва унинг нурларидан кўпроқ фойдаланиши қўрган. Бу ҳол уларнинг иззат нафисига тегибди-да, "Нега энди Така акамиз доим олдин бўлиши керак экан, келинлар, бирлашиб уни бу имтиёзга деб маҳрум этилайки", деб қасд қилишибди. Ўйлаб-ўйлаб, энг кичкина, қолаверса, Нур водийси билан чегарадош Нурбулоқни тўсиш учун қулай жойлашган уларнинг ўсишига ёрдам беришибди ва охири оқибат Така тоғ Нурбулоқ ва чашмени қўришдан маҳрум бўлибди.

Ж. Йўлдошев, геолог (Давами бор)

### Тарихий обиди

**Нуриддин хожи мадрасаси Жиззах вилоятидаги шу бугунгача бутун ҳолида етиб келган ягона тарихий обиди саналади.**

## НУРИДДИН ХОЖИ МАДРАСАСИ

Хўш, Нуриддин хожи ким бўлган? Унинг маданий-маърифий соҳада қилган хизматлари нималардан иборат эди? Бу ҳақда унинг қизлари, ҳозирда Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара опа Ходиева шундай хикоя қилади.

Отам Нуриддинхўжа Маъруфхўжае Жиззахнинг Тошкентлик маҳалласида 1853 йили таваллуд топган. Унинг падари бузруквори Маъруфхўжа Насриддинхўжа ўғли ўз замонасининг бадавлат, билимдон кишиси бўлиб, ўз ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Бошланғич билимини Нуриддинхўжа ўз отасидан олади. Зеҳни ўткир, илмга ташналигини ҳисобга олиб уни Бухоро шаҳридаги машҳур мадрасалардан бирига ўқига қўйди. У Бухорода қарийб 15 йил таъсил қўриб, Қуръони каримни ёд олади. Ислому фалсафаси, мусулмончилик ҳуқуқлари, шариат қонуничилиги билан бир вақтда дунёвий фанларни ҳам пухта ўрганади. Араб ва форс тилларини эгаллайди. У мадрасани тугатиб Жиззахга қайтади ва масжидда имом, эски мактабда мударрислик қила бошлайди.

Бадавлат хонадон фарзанди бўлган Нуриддинхўжа ўз сармоясидан Қизил масжидни қўрган. Масжид қурилиб, ишга тушганидан сўнг, у Оллоҳдан ўғил фарзанд тилаб ҳаж зиёратига жўнайди.

«Ҳаждан омон қайтсам, ўғил қўрсам, халқ фарзандлари учун мадраса қуриб бераман» деб ният қилган Нуриддин хожини ҳудуд ниятига етказиб, ёлғиз қиздан сўнг ўғил фарзандларни ато қилади.

1898 йилдан хожининг шахсий маблағи ҳисобига бухоролик уста Фозил ҳамда унинг ўғиллари уста Аҳмад ва Муҳаммадлир томонидан мадраса қурилади бошланади. Хожи бош мадрасаси битиби ишга тушган, оталигидаги ака-ука усталарни ўйлантиради ва улар билан биргаликда иккинчи марта ҳаж сафарига жўнайди. Ордан икки йил ўтиб Жиззахга қайтиб келишади.

1916 йилги машҳур Жиззах туманининг тарихий ҳисобига бўлмаган касалликларни уй шароитида даволаш, аҳолининг санитария-гигиена соҳасидаги билими ва маданиятини оширишда Хазорасп тумани "Саноат" кўрғонида жойлашган Шиҳрийи қишлоқ врачлик пунктининг ҳиссаси катта бўлапти.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислохотлар самараси, - дейди қишлоқ врачлик пункти бош ҳакими Шаҳло Матназарова. - Шифокор ва бемор ўртасида янгича муносабатлар шаклланиб, одамлар саломатликлари учун ўзлари жавобгар эканликларини ҳис этадиган бўлиб қолишди.

Эллиқ қатновга мўлжалланган шифохона 5300 дан ортиқ флюорогра хизмат кўрсатади. Оролни муҳофазалаш халқро жағмармаси томонидан 43 миллион сўм сарфлашиб қурилган қишлоқ врачлик пунктида даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Аҳолига тиббий мавзудаги ахборотлар етказиб турилади. Хоналар "Соғлигинг ўзинга боғлиқ", "Саломатлик - туман бойлик", "Гиёҳвандлик - аср офати", "Усмир қизлар гигиенаси", "Она сутининг мўъжизаси", "Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари", "Соғлом авлод - миллат келажиги" каби плакатлар билан безатилган. Тиббий йўналишдаги брошюра ва ахборотларни жамлаган "Саломатлик бурчаги" мавзуд.

### Наврўз қувончи

## КЎНГИЛЛАР НУРГА ТЎЛДИ

Ўлкамизда Наврўз нафаси уфурмоқда. Турар-жойларда ободонлаштириш ишлари авжида. Юртимиз фазлига фазил қўйлаётган кўнларда Республикаимизнинг хар бир гушасида, маҳалларда Наврўзи олам шодибанлари нишонланмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги Каттабў маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Катта-ю ёш ақойиб байрам дастурхони атрофида йиғилдилар.

Мақсадимиз азалий кадрларни, ўзлгимизни намойиш этувчи айбемларимиз орқали фуқароларимиз; айниқса, ёшларимиз қалбиди инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат, оқибат, энг мўҳими, она диёримиз, эл-юртимизга бўлган садоқат туйғуларини анадди юксалтиришдир, - деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Аҳрор Дадамўхаммедов. - Бугунги тадбир кўп жиҳатдан ёшларга ўрнак бўлади, деган умиддаман. Чунки, бир пайла чой устидидаги дилкаш сўхбат баҳона кексаларимиз кўнли овланди. Уларнинг ибрат бўларли ҳаётлари сўзланган хикоялар ёшларга сабоқ бўлди.

Нўврўз шодиёнасини беэаган баҳорий гуллар, 80 ёшдан ошган онахонларга тақдим этилган совғалар кўнгиллари меҳр-муруват нури ила ёртиди. Кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шу кунгексаёш кўнгли бирдек қувонгача тўлди. Байрам дастурхонига баҳорий таомлардан сумалагу халим тортилди.

Тадбирга хушовоз хонанда Феруза Иноятова ижросидаги қўшиқлар янада фазил бағишлади.

М. ЎРМОНБЕКОВА.

**Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежида ёшлар техникалардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, бухгалтерия ҳисоби, ЭХМ оператори, экологик назорат, тикувчилик мутахассисликлари бўйича билим олмақдалар.**

## ТАЛАБАЛАР

### қасб сирларини пухта ўрганишмоқда

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқлардан бири бўлиб, соҳада ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, фермер хўжалиқлари га кенг имкониятлар яратиб берилапти, қишлоқ хўжалигида замонавий янги техникалар ишлатилмоқда. Шунинг ҳисобига олган республикамиз ҳукумати ушбу соҳа касб-хўнар коллежларини янги техника ва жиҳозлар билан таъминлашга катта эътибор бермоқда.

«Отойўл» юк автомашинаси, «ТТЗ-80-11» трактор прицеплари, хорижда ишлаб чиқарилган «ТЛ-100» трактори, «ВВ-300» минитракторлари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги машиналари талабаларнинг қасб сирларини пухта эгаллашларида кўл келмоқда.

Малакали мутахассислар тайёрлашда амалий машғулотлар муҳим ўрин тутди. Коллежда бу усулдан кенг фойдаланилмоқда. II-III босқичда таълим олаётган талабалар ўқув жараёнининг яримдан кўпини амалий машғулотлар ва ишлаб чиқарилган амалиётга боғлайдилар. Қўрамот етиштиришга мўлжаллан-

**Эртани ўйлаб**

ўрганган талаба ҳеч бир қийинчилиқсиз фермер хўжалигини юрита олади. Интилганга толе ёр. Илғор касбий таълим тажриба-

ган. Бу ерда Ўзбекистонда етиштириладиган эллиқдан ортиқ ўсимликлар устидида тажриба олиб борилмоқда. Хар бир ўсимликни экишдан бошлаб, ҳосил йиғиштириб олинган қадар бажарилган ишлар қандай қилиб борилади. Бундан ташқари, талабалар ўқув амалиётининг бир қисмини 10 гектарлик ўқув хўжалигида



ган мини ферма мавжуд бўлиб, устакхона ва ўқув лабораториялари кўнчиркам мамлакатдан келтирилган усуллар билан жиҳозланган. Ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар жиҳоздан қандай фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқдилар. Бу ўқувчиларни ўз мутахассислигига қизиқтиришни янада оширмоқда. Хориж технологиясини мукаммал

ларини ўрганиш ва кенг жойи этиш ютуқлар олишди. Хусусан, ўқитувчи Маъшулла Абдуқўлиев хориж тажрибасидан ўз педагогик фаолиятида умумий фойдаланмоқда. Бир неча бор семинар-тренинглар ўтказиб, методик қўланмалар тайёрлади.

Усимлиқшунослик йўналиши бўйича таълим олувчи талабалар учун ўқув-тажриба участкаси ташкил этил-

ўтказадилар. Барча агротехник тадбирлар талабалар иштирокида амалга оширилади. Мухандис-педагоглар Равадан Очиллов, Муоурмон Раҳимов, Актамали Мавлонов, Хасан Раҳмоновлар ёшларга билим беришида бор имкониятларини ишга солмақдалар.

Ш. СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири

### 2005 йил Сихат-саломатлик йили

Умумий амалиёт врачлари Мақсуда Юсупова, олий тоифали акушер-гинеколог Хуришда Матниёзова хонадонларга бориб 610 нафар хонадонлар аёл билан яқам-яқма суҳбатлашишди, тегишли муолажалар ўтказишди. Амалга оширилган ишлар ижобий натижа берди. Камқонлик ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олишга қаратилган даволашлар тўғрисида Феруза Саидмўхаммедова, Хуришда Матмуродова, Мохира Тиллаева, Хуришда Жуманазарова, Рўзигул Бобононова сингари ёш оналарнинг эсон-омон кўзи ёрди.

## ҲАР КИМНИНГ ЎЗИГА БОҒЛИК

Фельдшер Отабек Отаонов, ҳамшира Тўхтагон Бегимова, доя Манзура Давлатова, лаборант Гавҳаржон Курбонвалар нафақат да-

нинг кундузги бўлимига олиб келинади. Бу ерда 2 та болалар ва 2 та катталар учун махсус хоналар ажратилган. Буйрак шомоллашидан азият чеқкан Олтиной Олланазарова, камқонлик касали билан оғирган Шахло Бобононова, Гузал Абдурайимова, аллергия безовта қилган Улуғбек Бобононовлар вақтида даволаниб соғайиб кетишди.

Туманининг Қаримбой Давлатов раҳбарлик қилаётган Бешта, Жабборберган Қўлтимуродов бош ҳаким бўлган Мухомон қишлоқ врачлик пунктларида ҳам аҳоли талаб ва эhtiёбларини пухта ўрганилган ҳолда намунали тиббий хизмат кўрсатилаяпти. Олиб бориладиган профилактик, тиббий-маърифий ишлар келажак авлодин хар томонлама соғлом ва комил инсонлар қилиб тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

И. ИСОМИДДИНОВ

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Е-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

## СИНОВ ПАЛЛАСИ

**Ашаддий муҳлислар тоғни қанчалар интиқлик билан кутганларини тасаввур этиш мумкин. Нега ҳажжон-ланишсининг, ахир бугун миллий терма жамоамизни Арабистон ярим оролида Кувейт билан бўлган футбол баҳси - катта синов кўтмоқда. Кейинги йили Германияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида йўлланма эгасига айлиши истигида бўлган қитъанинги икки етакчи жамоаси ўртасидаги матч ғуруҳдаги вазиятга сезиларли таъсир кўрсатиши табиий. Хар бир талаба, хар бир очко суви билан ҳаводек зарур пайтада бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.**

Холисанилло баҳо берганда, куч ва имконият биз томонда. Лекин умид рақибларимизга қилиб боқиши ҳам мумкин. Хар ҳолда араблар

30 мартда Жанубий Корейда асқотишига шубҳа йўқ. Бу орада мамлакат XIV чемпи

онатининг биринчи давраси Бекободда маҳаллий «Металлург» ва Фаргонанин «Нефтчи» командалари ўртасидаги беллашу билан поғнага етди. Мамлакат вице-чемпиони «Нефтчи» футболчилари ҳужумкор ўйин намоиши этиб, 3:1 ҳисобида устун келдилар.

Турнинг қолган учрашулариди, ишқибозларга яхши маълумки, «Пахтакор», «Навбахор», «Насаф», «Тупаланг», «Машъал» ва «Самарқанд-Д» жамоалари талаба қозонишди. Агар улар сафига «Нефтчи»ни ҳам қўшиб қўйдиган бўлсак, ангаланиладики, тур у еки бу команданинги устунлигини қайд этиш билан ўзига хос тарзда ниҳоя толган. Еттига ўғиллар дарвозаларга 22 та тўп киритилган. Бу, умуман олганда, ўртача қўрсаткич. Ўйлаيمизки, у турдан турга юксалиб, муҳлисларни хушнуд этади.

Турнинг қолган учрашулариди, ишқибозларга яхши маълумки, «Пахтакор», «Навбахор», «Насаф», «Тупаланг», «Машъал» ва «Самарқанд-Д» жамоалари талаба қозонишди. Агар улар сафига «Нефтчи»ни ҳам қўшиб қўйдиган бўлсак, ангаланиладики, тур у еки бу команданинги устунлигини қайд этиш билан ўзига хос тарзда ниҳоя толган. Еттига ўғиллар дарвозаларга 22 та тўп киритилган. Бу, умуман олганда, ўртача қўрсаткич. Ўйлаимизки, у турдан турга юксалиб, муҳлисларни хушнуд этади.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	1	1	0	0	5-0	3
2. «Насаф»	1	1	0	0	4-0	3
3. «Навбахор»	1	1	0	0	3-0	3
4. «Нефтчи»	1	1	0	0	3-1	3
5. «Тупаланг»	1	1	0	0	3-1	3
6. «Машъал»	1	1	0	0	1-0	3
7. «Самарқанд-Д»	1	1	0	0	1-0	3
8. «Лоқомотив»	1	0	0	1	0-1	0
9. «Қизилқум»	1	0	0	1	0-1	0
10. «Металлург»	1	0	0	1	1-3	0
11. «Бухоро»	1	0	0	1	1-3	0
12. «Трактор»	1	0	0	1	0-3	0
13. «Шўртан»	1	0	0	1	0-4	0
14. «Сўғдиёна»	1	0	0	1	0-5	0

Ўзбекистон энгил, мебуел саноати ва коммунал-маиший хизмат ҳодимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши, вилоятлар касабаси уюшма кенгашлари ва касабаси уюшма Марказий кенгашининг ҳудудлар бўйича вакилликлари, касабаси уюшма Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили Мамура Қосимовага онаси

МУФАРА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан Израилбеков Ботир Шавактович номини 1989 йилда берилган УВ-1 №035677 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Е-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.00

Маърузи: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийот-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.